

ХУКУКБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАН ВА МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИДА ИСЛОХАТЛАР

Хасанов.С.М

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
“Хукукбузарликлар Профилактикаси фаолияти”
мутахассислиги 3-ўқув курси 306-гурух курсанти*

Аннотатсия

Маколада Ўзбекистон Республикасида Хукубузарликлар Профилактикасини Бевосита амалга оширувчи, унда иштирок этувчи орган ва муассасалар хақида ва Профилактика соҳасидаги ислохатлар, конунчиликдаги янгиликлар ҳамда соҳа доирасида уни ривожлантиришга оид таклифлар келтириб ўтилган.

Аннотация

В статье представлены органы и учреждения, непосредственно осуществляющие и участвующие в профилактике преступности в Республике Узбекистан, реформы в сфере профилактики, новости законодательства, предложения по его развитию в данной сфере.

Annotation

In the article, the bodies and institutions that directly implement and participate in the prevention of crime in the Republic of Uzbekistan, reforms in the field of prevention, news in legislation, and proposals for its development within the field are presented.

Калит сўзлар: хукубузарликлар профилактикаси, хукукий асос, бевосита амалга оширувчи органлар, конунчилик, ислохатлар, таклифлар.

Хукукбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти бу - конун ва конун ости актларга асосланган, вазифалар, йўналишлар ва фактлар билан келишилган, хизмат кўрсатилаётган ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, хукукбузарликлар жумладан жиноятларнинг олдини олишда иштирок этувчи Ички ишлар органларининг куч ва воситаларидан самарали фойдаланиш тушуниладиб .

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишдаги фаолияти – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг конун ва конун ости норматив-хукукий ҳужжатларига асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши

бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил қилишга Ички ишлар органлари тизимидаги меҳнат тақсимооти, таркибий бўлинмалар ўртасида вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши каби масалаларни қамраб олган мақсаднинг вужудга келиши сифатида ҳам қараш мумкин. Ўзаро ҳамкорликнинг мақсади бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларини ҳал этишда куч ва воситаларнинг тўғри тақсимланишини аниқлатади.

Ички ишлар органлари тизимининг қуйи бўғини бўлган ҳуқуқ тартибот масканларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини асралга ошириш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳуқуқ тартибот маскани негизида амалга ошириладиган фаолиятни иккига ажратиш мумкин:

- а) Ички ишлар органлари таркибий тизимига кирувчи тармоқ хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини қамраб олувчи - Ички ҳамкорлик;
- б) Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари, хусусан профилактика инспекторининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва аҳоли билан кенг қамровли алоқаларни ўз ичига олган - Ташқи ҳамкорлик.

Жумладан, Ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари, муассасалари ва жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ички ишлар органларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишда уларнинг энг асосий ҳамкорлик субъектлари бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидир.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширишда **2014 йил 14 май** куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**” ги қонуннинг **9-моддасида** кўрсатилган қуйидаги давлат органлари билан **ҳамкорликни амалга оширади:**

- Ички ишлар органлари;
- Прокуратура органлари;
- Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президент давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;

- Адлия органлари;
- Давлат божхона хизмати органлари;
- Давлат солиқ хизмати органлари;
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари;
- Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва Таълим муассасалари;
- Соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-729-сонли Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 январдаги ЎРҚ-747-сонли Қонунига асосан эса Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассалар таркибига сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар сифатида киритилди.

- Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқий асоси сифатида ?

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда, № 10, 674-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) 9-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги»;

еттинчи — ўн учинчи хатбошилари тегишинча саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги 12³-модда билан тўлдирилсин:

- «12³-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:
ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

мамлакатдаги коррупция ҳолати тизимли таҳлил қилинишини таъминлайди, шунингдек коррупцияга оид хавф-хатарлар энг юқори бўлган соҳаларни, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлайди;

давлат харидлари ва бюджет маблағларидан, халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилади, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотни тарқатиш, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиради;

вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

- «8¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади;

ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга дахлдор бўлган кўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли кўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга оид жиноятларни, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига путур етказадиган коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади, унинг яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар туфайли жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади, ушбу тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда коррупциянинг даражасини, шу жумладан ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимидаги даражасини баҳоловчи Коррупцияни идрок этиш миллий индексини тузишни ташкил этади;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачисининг ISO: 37001 коррупцияга қарши стандартни қўллашини назарда тутувчи талабни белгилайди;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади;

вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича самарали ҳамкорлигини ташкил этади;

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

4) 9-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради»;

5) 14-модданинг учинчи қисмидаги «Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «Миллий кенгаш ва ҳудудий кенгашлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 январдаги ЎРҚ-747-сонли Қонунига асосан эса Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассалар таркибига сўнгги ўзгартириш ва кўшимчалар сифатида киритилди.

«17¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

вояга етмаганларнинг ўз иқтидори ва истеъдодини тўлақонли намоён этишига, шунингдек уларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришига монелик қиладиган омилларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилишга ва уларнинг мослашувиغا кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»

- **2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил,

№ 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589, 591-моддалар, № 10, 674-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) 9-модданинг **биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари»;

2) қуйидаги мазмундаги 19¹-модда билан тўлдирилсин:

«19¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашда ҳамда баргараф этишда кўмаклашади;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни (ёшларни) ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

Хулоса килиб айтадиган болсак Ўзбекистон Республикасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда, Жиноятларни олдини олишда ҳар битта давлат органи ва муассасаси бевосита алоқадор ҳисобланади ва ҳар бири узвий боғлиқ. Шунини мисол килиб айтадиган бўлсак мисол учун “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси биринчи

қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-729-сонли Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 январдаги ЎРҚ-747-сонли Қонунига асосан эса Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассалар таркибига сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар сифатида киритилиши хар бир давлат органи ёоки ҳуқуқни муҳофаза органи боладими жамиятни ривожлантириш учун ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун бевосита жавобгар ҳисобланади.

REFERENCES

1. [“Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonun](#) // 2014
2. [“Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta‘minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Prezident Qarori](#) // 2019
3. [O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay‘atining kengaytirilgan yig‘ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi](#) // 2021
4. ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА 2022 йил 25 январь, ЎРҚ-747-сон
5. **ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**
6. Арипова, А. Х. (2021). Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. Scientific progress, 1(6).
7. Абдужалилов, Д., & Арипова, А. (2021). КУЛЬТУРА ОБЩЕНИЯ СОТРУДНИКОВ ОВД. Scientific progress, 2(1), 328-332.
8. Истамов, Н., Убайдуллаев, С., Махмудхужаев, Ж., & Бобохонов, Ш. (2021). ТУРИЗМ–КАК ВЕДУЩИЙ СЕКТОР МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF INNOVATIONS ON TOURISM MANAGEMENT AND FINANCE, 2(4), 1-5.
9. Убайдуллаев, С., Арипова, А., & Истамов, Н. (2021). Туризм в Узбекистане. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF INNOVATIONS ON TOURISM MANAGEMENT AND FINANCE, 2(4), 6-10.
10. Абдувалиев, Н., & Арипова, А. (2021). ВАЖНОСТЬ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ. Scientific progress, 2(1), 333-335.

11. Икрамова, Л., & Арипова, А. (2021). РОЛЬ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ ПРЕСТУПНОСТИ. Scientific progress, 1(6), 476-479.
12. Саидалиев, С. С., & Арипова, А. Х. (2021). БОРЬБА С НАРКОТОРГОВЛЕЙ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ. Scientific progress, 2(1), 900-906.
13. Khasanovna, A. A., Sharafitdinovna, K. K., & Sharafitdinovna, K. N. (2022). THE ROLE OF COMMUNICATION CULTURE IN THE FIELD OF CRIME PREVENTION AND PUBLIC SAFETY. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 4(02), 31-37.

